*Шаҳар ва қишлоқ ҳамкорлиги*

# БОБОДЕҲҚОНЛАР ҲИММАТИ: ҚИШИН-ЁЗИН УЗЛУКСИЗ

Азим Тошкентимизда ўтаётган анъанавий мева-сабзавот ярмаркаси муносабати билан Юнусобод бозорида бўлдик. Турнақатор тизилган машиналарда сабзавотдан тортиб, меванинг турли хилларигача сотиляпти. Суриштириб билсак бу сара маҳсулотлар карвони қўшни Тошкент туманидан келтирилган экан. Айниқса ушбу маҳсулотлар баҳоси бозорникига нисбатан арзонлигидан харидорлар мамнун.



— Оғиримизни енгил қилиб, бозоримизда маъмурчиликни таъминлаётганлар шулар, — дейди бозорком Раҳимжон Пулатов машиналар карвонига ишора қилиб. — Айниқса бу хусусда гап борганда туманнинг Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалиги аъзоларининг бизга кўрсатаётган ёрдамини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Хўжалик раҳбарияти билан тузган шартномамизга мувофиқ улар қишин-ёзин бозоримизни мева-сабзавотлар билан тўлдириб туришибди. Қолаверса жамоа бозоримизга яқин бўлгани учун унинг аъзолари ҳам ўз томорқаларида етиштирилган ҳосилни шу ерда сотишади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак Тошкентимизга туташ бўлган бу жамоанинг йил сайин ҳамшаҳарларимизга кўрсатаётган ҳиммати ортиб бормоқда.



Шу гап баҳона унинг бугунги ҳаёти ва келажак режалари билан яқиндан танишиш мақсадида хўжаликда бўлдик. Биз келган кунимиз жамоа аъзолари Наврўз байрамини нишонлашаётган экан. Бир пиёла чой устида хўжалик раиси Илҳом Маҳкамов бизни бу йилги режалар билан таништирди.

— Жамоамизда 730 оила истиқомат қилади. Умумий ер майдонимиз 870 гектар. Бу йил ҳамшаҳарларимизга 3,5 минг тонна сабзавот, 600 тонна картошка, 360 тонна узум, 270 тонна олма, олхўри, 1040 тонна сут ва 60 тонна гўшт етказиб берамиз. 50 гектар майдонда етиштирилаётган буғдойнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш кутиляпти. Бундан ташқари консерва заводимиз, чорвачилик фермамиз, қишда ҳам ёз маҳсулотлари етиштирадиган иссиқлик хўжалигимиз, лимон, кўкат ва кўчатхоналаримиз ҳам борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос йирик бир корхона.

Консерва заводини кўриб ҳайратда қолдик. Очиғи ушбу корхона ўз техник қурилмаларининг мукаммаллиги ва унумдорлиги билан шаҳардаги анча-мунча замонавий корхоналарни орқада қолдириб кетади.

— Ҳозирги шароитда бунақа заводни қуриш қийин, — дейди ҳамроҳимиз хўжалик бош агрономи Акромхўжа Қодирхўжаев ҳайратимизни кўриб. — Очиғи у ҳозирги туманимиз ҳокими Рустам ака Акбаровнинг ташаббуси билан бунёд этилган. Ўшанда у киши жамоа хўжалигимизга раҳбарлик қилардилар. Дастлаб кўпчилик бу таклифни эшитиб ҳайрон бўлганди. Қишлоқда бунақа корхона қурилишига ишонмаганди. Рустам ака гап-сўзларга қулоқ солмай ғайрат билан ишга киришди. Иш шу қадар тезлашиб кетдики, икки йилда бутун бошли завод қад кўтарди. Кейин ферма қурдик. Муҳташам маданият саройи, хўжалик учун икки қаватли идора.

Завод тўрт йирик цехдан ташкил топган. Бу — сабзавотларни қайта ишлаш, сут маҳсулотлари, мева қуритиш ва сузма цехидир. Биз шулардан бири сабзавотларни қайта ишлаш цехида бўлдик. Цехда учта линия ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида бир йилда шартли равишда 7 миллион банка консерва, томат, шарбатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Вино қуйиш линиясининг бир соатлик қуввати 1,5 минг шишани тўлғизиб тайёрлашга етади. Ана энди тўла ҳажмда ишлаб турган цехнинг бир йилда тайёрлаган виносини кўз олдингизга келтирсангиз умумий манзара янада яққолроқ намоён бўлади.

Сут маҳсулотлари цехида уч сменада тўрт тонна сут қайта ишланади. Бу ерда бир соатда 160 банка бир литрли қаймоқ маҳсулотлари ва 300 килограмм атрофида сузма тайёрланади.

— Энг муҳими бу маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳамшаҳарларимиз ҳузурига жўнатилади, — дейди бизга завод директори Қурбон Маҳамаджонов. — Корхонамизда биргина шарбат ва салқин ичимликлар маҳсулотидан 30 хилдан ортиғи тайёрланади. Харидорларимиз таклифларига биноан йил сайин уларнинг турини ошириб боряпмиз. Маҳсулотларимиз сифатидан эса мижозларимиз ҳамиша мамнун.

Иссиқхона комбинатига Анвар Ғуломмаҳмудов бошчилик қилади. 6 гектар майдонни ташкил қиладиган бу хўжаликда қишда ёз неъматлари етиштирилади. Оилавий пудрат асосида ишлайдиган комбинат ерлари 54 оилага бўлиб берилган. Улар бир квадрат метр майдонда 6 килограммгача помидор ҳосили етиштиришга эришмоқдалар. Ўтган йили комбинат помидорнинг ўзидан 360 тонна ҳосил кўтарди.

Қизиғи шундаки, оила ўзи етиштирган маҳсулотини ўзи сотади. Мана шундан тушган маблағнинг 30 фоизи уники, қолган 70 фоизи эса хўжалик ҳисобига ўтказилади. Манфаатдорлик яхшилигидан ҳамма бор меҳнатини, тажрибасини ишга солиб ҳосилдорликни оширишга интилади. Чунки унумдорликдан ҳам хўжалик, ҳам оила фойда кўради. Бир оиланинг ўртача ойлик маоши эса 10 мингдан 15 минг сўмгача бориб етмоқда.

— Асосий харидорлар кимлар?

— Ҳамшаҳарларимиз, — дейди Анвар Ғуломмаҳмудов.

Маҳсулотларнинг нархини сўраб-суриштирдик.

— Нархи ҳар хил. Лекин инсоф билан баҳо қўямиз, — дейди комбинат бошлиғи. — Ишқилиб маҳсулотларимиз бозорникидан қолишмасада, лекин баҳода ундан анча арзон юради.

Хўжаликнинг лимон етиштирувчи иссиқхонасида 1,5 гектар майдондаги лимон қийғос ҳосилга кирган. Бу йил улардан ҳаммаси бўлиб 5 тонна лимон йиғиб олинди. Агар 1 килограмм лимоннинг баҳоси ўртача 20 сўмдан тўғри келганлигини айтсак, умумий кўрсаткични чиқариб олиш ҳеч гап эмас. Биргина лимон хўжалигидан келган даромад шунча бўлгандан кейин қандай қилиб бу жамоани тумандаги ва ҳатто вилоятдаги энг илғор хўжаликлар сафига киритмаслик мумкин.

— Олдин етиштирилган лимонларни нақд пулга сотар эдик. Бу йил ҳам ҳосилнинг ярмини шу йўл билан харидорларга жўнатдик. Қолганини эса консерва заводимизда қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолига келтирдик. Шундай қилсак ҳар килограмм лимонимиз баҳоси олдингисидан икки баробар ортиқ даромад келтирар экан, — дейди бизга иссиқхона бошлиғи Турсунбой Толипов.

Хўжаликнинг келажак режалари ҳам катта. Масалан бу ерда чувалчангдан ўғит тайёрлаш цехи бунёд этилмоқда. Ҳисобларга қараганда 1 тонна ушбу ўғит 10 гектар майдонга сепилса у ҳар қанча минерал ўғитдан кучли бўлиб, ҳосилдорликни роса икки баробарга оширар экан.

— Ҳозир қурилиш материаллари танқислигини ҳисобга олиб ўзимизда шлакоблок ишлаб чиқарувчи цех очмоқчимиз. Унинг бошлиғи Шуҳрат Тиллаев бу ишни йўлга қўйиш арафасида. Ёғочларни тилиш ва аралаш цехи эса аллақачон фаолият кўрсатмоқда, — дейди жамоа хўжалиги раиси Илҳом Маҳкамов. — Шунингдек тикувчилик цехимиз ҳам ишга тушди. У фақат ўз аъзоларимизга хизмат кўрсатади. Масалан, костюм-шим, пальто, плашч, кўйлак тиктириш ниятида юрганлар энди буюртма бериш учун шаҳарга югуришмайдиган бўлишди. Ўзимиздаги усталар ҳар қандай буюртмани қойилмақом қилиб тикишади.

Яна режамиздан макарон, шакар, томат-паста, хом ғишт ишлаб чиқарувчи цехларни очиш ўрин олган. Ҳозир швейцариялик мутахассислар билан консерва заводимизда тайёрланаётган маҳсулотларни қадоқлаш линиясини бунёд этиш устида иш олиб боряпмиз.

Телефон жиринги суҳбатимизни бузди.

— Кечирасизлар, — дейди раис бизга юзланиб, — зудлик билан мени омборхонамизга чақиришяпти. Эрталабки ярмаркага ҳамшаҳарларимиз ҳузурига жўнатиладиган маҳсулотларни машиналарга ортишаётган экан...

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

*СУРАТЛАРДА: жамоа хўжалиги фаолиятидан лавҳалар акс этган.*

*Козим Ўлмасов олган суратлар.*



*Ёднома*

# ТОШКЕНТ ФИДОЙИСИ



Шундай инсонлар бўладики, улардан эзгулик, яхши ишлар мангу ёдгор бўлиб қолади. Уларнинг фидойилиги, юртига, халқига бўлган меҳр-муҳаббати ҳаммага ибрат бўлади. Шунинг учун уларнинг номини авлодлар ҳамиша ардоқлайдилар, эъзозлаб тилга оладилар.

Асадилла Ашрапович Хўжаев ана шундай инсонлар сирасига киради. Асадилла Хўжаев қайси жабҳада меҳнат қилмасин — темир йўлда муҳандис, бошлиқ, собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси саноат-транспорт бўлими йўриқчиси, республика автотранспорт ва йўллар вазирининг ўринбосари, биринчи ўринбосари, Самарқанд вилояти партия қўмитаси котиби, шу вилоят ижроқўми раиси, Наманган вилояти партия қўмитаси биринчи котиби, Тошкент шаҳар партия қўмитаси биринчи котиби, Марказий Қўмита котиби — барчасида ўта меҳнатсеварлик, билимдонлик, ҳалоллик намуналарини кўрсатди. Ёру биродарлари, қавму қариндошлари қалбида шундай ёрқин сиймо бўлиб, абадий барҳаёт қолди.

Асадилла ака, айниқса, Тошкентни беҳиёя севарди. Унинг қиёфаси, келажаги ҳақида соатлаб завқ билан сўзлаши мумкин эди. 1966 йилги зилзила пайтида Асадилла Ашрапович Самарқандда ишларди. Унинг қўнғироқ орқали айтган биринчи сўзлари:

— Тошкент қалай, омонми? Зиён кўрмадими?— бўлганлигини ҳамкасб дўстлари ҳали-ҳали эслаб юришади.

— Асадилла Хўжаевга ўхшаган инсонлар, рости, ҳаётда кам учрайди,— деб ҳикоя қилади, уруш ва меҳнат фахрийлари Тошкент шаҳар қўмитасининг раиси Толиб ака Содиқов.— Асадилла акадаги меҳрибонлик, одамийликни таърифлашга сўз тополмасам керак. У киши билан ишлаган йилларим (ўша вақтда Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари партия қўмитаси котиби эдим)да биронта одам у кишининг ҳузурига ёрдам сўраб кириб, беҳожат чиққанини эслолмайман.

Тошкентга шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишга келганларида зилзила оқибатларини тугатиш борасида талай ишлар амалга оширилган эди. Ўз вақтида «Тошкент Черёмушкаси» деб ном олган Чилонзор даҳасида мавзе кетидан мавзелар бунёд бўлар эди. Бир ёнда Қорақамиш, Юнусобод, Қорасув, Қўйлиқ даҳаларида кўп қаватли уйлар қад ростлар эди. Асадилла Ашрапович Тошкентнинг қайта тикланаётганлигини кўриб, ўзида йўқ қувонарди. Шаҳарнинг яшараётганидан, гўзаллашаётганидан беҳиёя завқланарди.

— Тошкент,—деганди Асадилла Ашрапович 1976 йилда бир суҳбатда,— мингдан ортиқ ер ости силкинишларини ўз бошидан кечирди. Ер сайёрасида табиатнинг шунчалар қаттиқ синовларига бардош берган, уни енгиб чиққан яна биронта бошқа шаҳар бормикан? Зилзила пайтида икки миллион квадрат километр уй-жой вайрон бўлди. Ўтган ўн йилда эса 9 миллион квадрат километр уй-жой тикланди.

Чиндан ҳам ўз ишининг билимдони сифатида янги тикланаётган мавзеларга, маҳаллаларга, транспорт воситалари етказиш, янги кўчалар қуриш борасида Асадилла Хўжаев катта жонбозлик кўрсатди. Янги-янги троллейбус, трамвай, автобуслар йўналишлари бевосита у кишининг интилиши билан бунёд бўлди. Бугун узоқ йўлимизни яқин қилаётган йўналишларнинг аксарият қисмида у кишининг ҳиссалари борлигидан миннатдор бўламиз.

— Асадилла Ашраповичнинг Тошкентга муҳаббати беҳиёя катта эди,— хотирлашда давом этади Толибжон ака,— қурилган ҳар бир бино унинг қувончига қувонч қўшарди. Айниқса, у Эски Жўвада янги бозор қурилиши ҳақида орзу қиларди. Эски шаҳарни янгилаш, кенг кўчалар, янги бинолар тикланиши ҳақида ҳаяжон билан сўзларди. Шаҳримизнинг асл фарзанди эди у. Бугун одамлар гавжум улкан бозорни, Эски шаҳарни янгилаш, яшартириш, гўзаллаштириш учун олиб борилаётган меҳнатларни кўриб, руҳи поки севинаётган бўлса ажаб эмас.

Асадилла Хўжаев ҳақида сўзлаганда бир нарсани айтиб ўтиш керак: бу — у кишининг тадбиркорлиги. Шаҳримизнинг кумуш камари ҳисобланган Анҳорнинг икки соҳилини бетонлаш зарурати туғилди. Бунинг учун эса баъзи ҳисобларга кўра бир ёки икки йил керак дейишди. Асадилла ака қисқа муддатда бу юмушни амалга ошириш мумкинлигини айтиб, дадил ишга даъват этди. Оқибатда шундай катта, кенг кўламли иш 3 ойда битказилди. Ҳозир Анҳорнинг икки бети ҳамшаҳарларимизнинг ажойиб оромгоҳига айланган.

Одамларни эъзозлаш, улардаги ижодкорликни, интилишни, қобилиятни жўш урдириш, руҳлантириш — Асадилла Ашраповичдаги энг ажойиб хислатлардан бири эди. Кўз олдингизга келтиринг: Тошкентга ҳамма республикалардан қурувчилар келган. Вагонларда қурилиш материаллари узлуксиз етказилиб турибди. Уларни жойлаштириш керак. Улкан қурилиш майдонига айланган Тошкентни ҳамма бурчагида эса бунёдкорлик ишлари давом этарди. Асадилла Ашрапович ана шундай ишни уддалади. У киши раҳбарларга хос бўлган барча олижаноб фазилатларга эга эди.

— Асадилла Хўжаев,— дейди Толиб ака Содиқов,— Тошкент метрополитени қурилишида ҳам жонбозлик кўрсатган эди. Катта-катта муаммоларни ечишга тўғри келганида бирон марта асаббузарлик қилганини биров эслолмаса керак. Ҳар бир масаланинг тўғрилигига ёнидагиларни ишонтириш Асадилла Ашраповичга хос бўлган фазилат эди. Бизнинг жуда кўпчилигимиз ундан шу фазилатни, бошқа хислатларни мерос қилиб олганмиз...

Умр худди чархпалакка ўхшайди. Узлуксиз айланаверади. Йиллар эса ўтаверади. Йиллар инсон умрини ҳисоблаб бораверади. Бугун ҳаёт бўлганида Асадилла Ашрапович Хўжаев 75 ёшга тўларди. Назаримизда у киши фидойи ҳаёти билан тошкентликлар қалбида мангу муҳрланиб қолди. Назаримизда азим шаҳримизда, мавзелар, сўлим анҳор соҳилларида, хиёбонларда у кишининг руҳи кезиб юргандек. Номи ёру дўстлари, фарзандлари, энг муҳими, халқимизнинг тилида такрор. Бундай шарафга Асадилла Ашрапович Хўжаев фидойилиги, одамийлиги, меҳнатсеварлиги билан эришди.

Йиллар ўтаверади. Яхшилик билан она заминда ўз изларини қолдирган азиз инсонларнинг номлари абадий сақланиб қолади.

Темур УБАЙДУЛЛО.

# ЁШЛАР КЎРИГИ

Республика таълим илмий-услубиёт марказида ривожланишида нуқсони бўлган болалар иштирокида «Санъаткор ва ижодкор ёшлар» кўрик-тадбири ўтказилди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар комитетининг ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир олдидан махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари ўз қўллари билан тайёрлаган маҳсулотларнинг кўргазма-савдоси ташкил этилди. Катта маҳорат ва дид билан ишланган уй-рўзғор буюмлари, ўйинчоқлар, кийим-кечакларни кўрган кишининг кўзи қувонади.

Табрик сўзларидан сўнг кўрик-байрамнинг асосий қисми бошланди: кўзи ожиз болалар мактаб-интернати, 100-таянч ҳаракати бузилган болалар мактаб-интернати, 101, 102, 106-кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати ҳамда бошқа бир нечта ёрдамчи мактаб, мактаб-интернат ўқувчилари ўз санъатларини намойиш эта бошладилар. Болалар миллий мусиқа асбобларида дилтортар куйларни ижро этиб ўйнадилар, шўх-шодон қўшиқлар айтдилар. Кеча давомида ҳар бир иштирокчига ўзига хос совғалар топширилди.

Даврон НУРМАТОВ.

*Раҳмдил ва меҳр-шафқатли бўлайлик*

# «ГАПИРУВЧИ КИТОБ»ЛАР

Мустақил юртимизда ногиронлар, хусусан кўзи ожиз кишилар учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Улар меҳнат қилиб, бўш вақтларини кўнгилли ва мазмунли ўтказишлари доимо диққат-эътиборда. Пойтахтимизда жойлашган Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Бугунги кунда умумий жамғармамиз 1143 мингдан ортиқ китоблардан ташкил топган, — дейди кутубхона директорининг ўринбосари Ф.Орипов биз билан суҳбатда. — Асосий вазифамиз Тошкент шаҳри ва вилоятларда истиқомат қилаётган кўзи ожизларга хизмат кўрсатиш, уларнинг маънавий оламини бойитишдир. Биздаги адабиётлар тўрт гуруҳ: оддий босма нашрдаги, бўртма-нуқтали, оҳанграбо тасмаларга ёзилган «гапирувчи китоб»лар ва грампластинкаларга бўлинган. Булардан ташқари, мунтазам «гапирувчи журнал» - «Машъал» тайёрлаб борилади. Айни пайтда 6300 нафардан ортиқ киши мавжуд адабиётлардан фойдаланишяпти.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, зиё масканига бўртма-нуқтали китоблар Республика кўзи ожизлар жамияти босмахонасидан келтирилмоқда. Шу ернинг ўзида овоз ёзиш студияси бор. «Гапирувчи китоб»лар ҳамда грампластинкалар асосан давлат тилида тайёрланяпти.

Кутубхонанинг Республика кўзи ожизлар жамиятига қарашли ишлаб чиқариш корхоналари ва маданият саройларида учта, дам олиш санаторийсида битта бўлими бор. Бу жойлардаги кутубхоначилар билан шартнома асосида ишланяпти. Яна еттита кўчма кутубхона мавжуд. Улар кўпроқ туманлардаги бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, жамоа республикадаги 56 та кўзи ожизлар кутубхоналарига услубий ёрдам ҳам беряпти. Тез-тез семинарлар ташкил этилиб, жойларга услубий қўлланмалар тузиб юборилади. Тумандаги бошланғич ташкилотлар, 2-Тошкент давлат тиббиёт институти, «Тез тиббий ёрдам» клиникаси ва бошқа жойларда «гапирувчи китоб» тўгараклари тузилгани яхши самара бермоқда.

Кутубхонанинг бўлим мудирлари Зулфия Алибоева, Элфира Кобзева, кутубхоначилар Ҳусан Муллажонов, Муяссар Баҳромовалар раҳбарлигида турли тадбирлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Абдулла Қодирий туғилган куннинг 100 йиллиги, Мустақиллик байрами ва бошқа саналар нишонланган кунларда «Саховат» дастаси билан ҳамкорликда адабий-бадиий кечалар ташкил этилди.

Яна бир янгилик. Кутубхонада «Зиёкор» овозли журнали чиқарила бошланди. Унга республикада рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлар беш нусхада ёзилиб, китобхонларга берилади.

Шу кунларда зиё масканига келган кишилар ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Ойбекнинг «Навоий» романлари ва бошқа асарлар асосида тайёрланган «гапирувчи китоб»лардан баҳраманд бўлишяпти.

Шавкат САЪДИЕВ.



*Кўклам палласи дарахт кўчатини ўтқазиш орзиқиб кутилган юмушдир. Мирзо Улуғбек туманидаги Файзулла Хўжаев маҳалласида истиқомат қилувчи Ориф ота Толипов ҳар йили бу ишнинг завқидан баҳраманд бўлади. Ўзининг етмишинчи баҳорини қаршилаган бу нуроний инсон «Кўчат эк, боғ ярат» нақлини ёқтиради.*

*СУРАТДА: Ориф ота ўғли Ҳусниддин билан томорқада баҳор ишлари билан банд.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Кўчат экинг, боғ қилинг*

# ГАШТИ ЎЗГАЧА

Зиё Саид кўчаси 181-хонадон эгасининг икки набираси билан бир қатор терак қаламчалари экаётганига кўзимиз тушди. Димоғимизга муздек, қандайдир ёқимли тупроқ иси урилди.

— Отам раҳматли «Кўчат эксанг саҳар туриб эк, баракали бўлади» деган эдилар, — дейди хонадон эгаси Фозил ота Умархўжаев. — Худога шукрки, набираларим кўп, уларнинг кўпи ўғил. Ҳаш-паш дегунча бўйи бўйимга тенглашиб қолади. Уларга уй солиш мақсадида экяпман терак қаламчаларини. Вақти келиб буларнинг ҳар бири битта тўсин бўлади.

Қуёш борлиққа заррин нурларини тўка бошлаши билан оч пушти ранг гулга бурканган қантак ўрик атрофида асаларилар ғужғон гувуллайди. Енгил шабада унинг ифорларини атрофга сочади. Ўрик тагида ёшгина йигит белини боғлаганча ерни юмшатяпти.

— Кузда ерни ўғитлаб қўйган эдим, — дейди ўзини Ҳасан Раҳматуллаев, деб таништираркан. — Мана энди юмшатиб бўлгач беда экмоқчиман. Қўй-қўзи деганларидек озгина чорвамиз бор. Беда эса баракали ўсимлик, бир марта экиб, бир неча бор ҳосил олаверасиз. Қўй деганнинг жони у.

Хондамир — Файзулла Хўжаев маҳалласининг энг узун кўчаларидан бири. У дам олиш кунлари ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлади. Варрак учираётган болаларнинг шодон қийқириғи баҳор палласи катталарнинг асабига тегмайди. Деразаларни ланг очганча оёғи остига стул қўйиб ойна артаётган келинчаклар кўчанинг файзини янада оширади. Ариқларга ҳали сув келмаган. Шундай бўлса-да у ер-бу ерларда кўкатлар ниш уриб улгурган. Қиш бўйи уйда сиқилиб яшаган одамлар ер меҳнатини соғинишган. Кичкина бир юмушни ҳам, хоҳ кўчат экиш бўлсин, хоҳ шох пайванд қилиш бўлсин, иштаҳа билан бажаришади. Қўни-қўшнилар ўртасидаги суҳбатлар «Ҳорма, бор бўл»дан бошланади. Йўл четида куймаланаётган қарияга юзланамиз:

— Ҳорманг Раҳим ота. Кексаликни бўйнингизга олгингиз йўқ шекилли.

— Эй болам нимасини айтай, қиши билан ариғимиз кўлмак бўлиб ётди. Мана кўриб турганингиздек чиқинди тўпланиб қолган экан. Шуни тозалаб қўяй дедим. Болаларим қўйинг, ўзимиз қиламиз деса ҳам кўнмадим. Меҳнатга ўрганганман. Айниқса кўкламги меҳнатнинг гашти ўзгача бўлади, кишини тетиклаштиради. Бир ёғини сўрасанг, бу ишнинг савоби ҳам бор.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

*«Мактаб—маҳалла—жамоатчилик»*

# ҲАМЖИҲАТЛИККА НЕ ЕТСИН

Ҳамкорликда иш тутиш азал-азалдан элимиз назарида фойдадан ҳоли бўлмаган. Жумладан, «Мактаб—маҳалла—жамоатчилик» концепциясини амалга оширишда ҳамжиҳатликнинг аҳамияти катта. Ҳудудимиздаги 106-мактабда бизнинг маҳалладан ташқари яна Шароф Рашидов, Ойдин Собирова ва Ипакчилик маҳаллаларининг ёшлари таълим олишади. Хўш, шундай экан, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликка барҳам бериш йўлида ҳар бир маҳалла ўз доирасидан ташқари чиқмаган ҳолда чинакамига яхши натижага эриша оладими? Ахир мактабда болалар ўзаро дўстлашаётганда «Сен қайси маҳаллადансан» деб суриштириб ўтирмайдику. Тарбияси оғир, қингир ишларга мойилроқ бола бошқа маҳаллалик синфдоши ёки мактабдошини ўзига шерик қилиб олиши, у билан биргаликда жиноятга қўл уриши ҳоллари эҳтимолдан узоқ эмас. Қолаверса, ножўя ишлари билан ўз шаънига доғ туширган болани бошқа маҳалладагилар ҳам кўриб, таниб қўйишлари лозим.

Бир маҳаллада бўладиган тўй-ҳашам ёки бошқа маъракаларга бошқа маҳалладан ҳам вакиллар айтилади. Маҳаллалар ўртасида қиз олиш ёки қиз бериш ҳоллари тез-тез учраб туради. Шундай пайтларда тўй харажатлари масаласида маҳалла фаоллари қўшни маҳалладаги оиланинг шароитига қараб иш тутса фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

Турли масалаларда кўпгина маҳалла фаолларининг фикри бир жойдан чиқади. Буни мақтаса бўлади. Масалан, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис ва шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловда маҳалла вакиллари номзодлари учун овоз берди. Бошқа масалаларда ҳам ана шу ҳамфикрлик, ҳамкорликни амалда кўрсатиш зарур. Муддаом шуки, «Мактаб—маҳалла—жамоатчилик» концепцияси устида ишлашда ўз қобиғига ўралган ҳолда эмас, ҳамфикр бўлиб фаолият кўрсатиш фойда беришини таъкидлашни истайман. Ахир «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган нақл бекорга айтилмаган. Мазкур масалада бизнинг қўшни Ойдин Собирова номли маҳалла билан биргаликда олиб бораётган ишларимиз яхши самаралар бермоқда. Хусусан, ўтган йили иккала маҳаллада ҳам ёшлар ўртасида жиноятчилик ёки оилавий қўйди-чиқди ҳоллари умуман қайд этилмади. Зеро, бундай масалаларда маҳаллаларни бир-биридан чегаралаган ҳолда иш тутиш тўғри бўлмайди, аслини олганда ҳам маҳалла чегара билмаслиги керак.

Тўлқин ИСМОИЛОВ,
Акмал Икромов туманидаги Аброр Ҳидоятов номли маҳалла оқсоқоли.

